

# Иккинчи ва ундан кейинги таълим олиш учун абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби

## Иккинчи ва ундан кейинги таълим олиш учун абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2008 йил 13 августдаги 15-сон баёни билан (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008-йил 21-августда 1844-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ тасдиқланган.

Ушбу Низомга асосан иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бўйича ўқитиш тўлов-контракт (шартнома) асосида амалга оширилади.

Олий маълумотга эга бўлган шахслар қуйидаги иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олишлари мумкин:

- бакалавр ва дипломли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар - бакалаврият таълим йўналишлари бўйича;
- магистр даражасига эга бўлган шахслар - бакалаврият таълим йўналишлари ва турдош магистратура мутахассисликлари бўйича.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга таълим муассасалари рўйхати ҳамда олий таълим муассасаларида уларнинг қабул кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Жорий ўқув йили учун Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш учун абитуриентлар ҳужжатлар қабул қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг [ikkinchitalim.edu.uz](http://ikkinchitalim.edu.uz) - онлайн платформаси орқали 2020 йил 10 августдан 31 августгача амалга оширилади.

Таълим муассасасининг қабул комиссияси кирувчиларнинг билим даражасини баҳолаш мақсадида шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишиладиган синовлар ўтказиш ҳуқуқига эга.